

**Мавзу: ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ
ИНФРАТУЗИЛМАСИ ТАРМОҚЛАРИДА
ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЧИЛИГИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ.**

Маърузачи: доцент Ғ.Д.Дусмуратов

Режа.

1. АСМ инфраструктурасини ривожлантиришни таъминлашда давлат-хусусий шерикчилиги роли


2.2. Ўзбекистонда ДХШ бўйича қонуний-меъёрий ҳуқуқий базани шакллантириш

2.3. ДХШ соҳасида ҳуқуқий ва методологик базани ривожлантириш



11.1. АСМ инфраструктурасини ривожлантиришни таъминлашда давлат- хусусий шерикчилиги роли

- ✎ Халқаро даражада кўпчилик фуқаролар, айниқса ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида ортиқча юкланган йўллар, ёмон хизмат кўрсатиладиган трассалар ва рекреация объектлари, мактаб, шифохона, сув ўтказгичлар ва сувни тозалаш тизими ва бошқа инфраструктура объектлари кўринишидаги ёхуд мавжуд эмас, ёхуд эскирган, ёхуд тезкор таъмир талаб этадиган “инфраструктура тақчиллиги”га дуч келмоқда. Шундай муаммолар жамият учун туғилиш қисқариши ва рақобатбардошлик пасайишидан тортиб, бахтсиз ҳодисалар кўпайиши, аҳолининг соғлиги бўйича муаммолар ва умр кўриш давомийлиги пасайишигача сезиларли йўқотишларга айланмоқда.



Давлат-хусусий шерикчилиги



Давлат ва хусусий сектор шерикчилигининг ушбу тури яқин яқинларда кенг тарқала бошланди. Ушбу ҳамкорликнинг асосчи-мамлакати 1980-йиллар бошида Буюк Британия бўлди. Кўриниб турганидек, давлат-хусусий шерикчилиги инфраструктура муаммоларини ҳал этишнинг таъсирчан механизми ҳисобланади ва мамлакат ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларига ижобий таъсир кўрсатади. Шунинг учун ушбу тажрибани бошқа мамлакатлар ўрганиб бошладилар. Ўзбекистонда бу 2017 йилда, яъни бу йил юз берди. “Давлат-хусусий шерикчилиги” тушунчаси 2017-2021 йилларда мамлакатни ривожлантириш стратегиясида ўз аксини топди ва унда бу борада қонун қабул қилиш белгилаб қўйилди.



☞ Мамлакатимиз қишлоқ ва сув хўжалигида давлат-хусусий шерикчилиги иқтисодиётга инвестиция жалб этишга, давлат тасарруфидаги мол-мулкдан фойдаланиш самарадорлигини оширишга, мавжуд инфратузилмани модернизациялашга имкон беради.

☞ Ўзбекистонда ДХШни бошқаришнинг иқтисодий модели сифатида босқичма босқич жорий этиш инфраструктуравий тармоқлардаги муаммоларни бозор шароитида ҳал этишни таъминлайди, бу мамлакатнинг иқтисодиётни хусусийлаштиришни давом эттиришни, хусусий ташаббусни ва рақобатни рағбатлантиришни назарда тутадиган устивор иқтисодий стратегиясига ҳамда иқтисодиётда, ижтимоий ва бюджет соҳаларидаги объектив мавжуд реалликка жавоб беради.



Инфраструктура соҳасини ривожлантиришда ДХШнинг афзалликларидан бири

☞ шерикчилик шаклларининг кўп хиллигидир. Улар инфраструктуравий сегментларнинг кенг доирасини қамраб олади ва давлатнинг инвестицияларга эҳтиёжлик даражасини акс эттиради.

Уларни шартли равишда 2 гуруҳга ажратиш мумкин: хусусий ва давлат сектори ўртасидаги барча қўшма корхоналарни қамраб оладиган институционал ва контракт.



**Ўзбекистонда ДХШ механизмларини тартибга
солувчи ягона қонун йўқ. Аммо
мамлакатимизда ДХШни у ёки бу даражада
қамраб оладиган қонунлар ва қонун ости
ҳужжатлари мавжуд.**

**Иқтисодиёт инфраструктурасининг замонавий
тушунчасида унинг структурасида қуйидаги
элементларни (блок) ажратиш таклиф
этилади:**

- ишлаб чиқариш инфраструктураси;**
- ижтимоий-маиший;**
- институционал;**
- персонал;**
- ЭКОЛОГИК.**

11.2. Ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришда ДХШ



- ☞ Ўзбекистон Президенти 2017 йил 9 сентябрь куни имзолаган “Мақтабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига кўра яқин йиллар ичида болалар боғчаларини катта ўзгаришлар кутмоқда.
- ☞ Бунга сабаб – бугунги кунда Ўзбекистондаги мақтабгача таълим муассасаларида кўплаб муаммоларнинг мавжудлиги ва умуман ушбу тизимнинг эскирганлигидир.
- ☞ Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мақтабгача таълим соҳасидаги фаолияти қониқарсиз деб топилган.



Шунингдек!!!

- ➔ Мактабгача таълим хизматини кўрсатиш нархининг мақбуллиги ва арзонлигини таъминлаш учун: инвесторларга ер участкалари ва бўш турган биноларни 50 йил муддатга бегараз ажратиш, солиқ имтиёзлари имтиёзли кредитлар ва бошқа имтиёзлар тақдим этилади.
- ➔ Инвесторлар эса давлат таълим талабларига, санитария-гигиена ва бошқа нормаларга риоя қилиши, масъул бўлиши талаб қ
- ➔ Шунингдек, Тошкент шаҳридаги давлат мактабгача таълим муассасаларига тадбиркорлик субъектлари билан тегишли талабларга жавоб берадиган озиқ-овқат маҳсулотлари ва тайёр овқатларни етказиб бериш тўғрисида тўғридан-тўғри шартномалар тузишга эксперимент тариқасида рухсат берилди.
- ➔ илинади.



- ☞ **Ҳозирги вақтда республикада 4 893 та давлат мактабгача таълим муассасаси фаолият олиб бораётган бўлиб, уларни молиялаштиришга фақат 2016 йилда Давлат бюджетидан 1,6 триллион сўм ажратилган.**
- ☞ **2017-2021 йилларга мўлжалланган Дастур асосида боғчалар қуриш ва реконструкция қилиш ишлари давом эттирилади. 2018 йилда давлат бюджетидан 427 боғчада қурилиш-таъмирлаш ишлари учун 771 миллиард сўм маблағ ажратилади.**
- ☞ **Бу ҳақда Президентимиз раислигида мактабгача таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар ва истиқболдаги вазифаларга бағишланган видеоселектор мажлисида айтиб ўтилди.**



☞ Соғлиқни сақлаш соҳасида иқтисодий муносабатлар ўзига хос хусусиятларга эга. Маълумки, 2017 йил давомида, "... таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғарма маблағлари ҳисобидан 154 та тиббиёт муассасасини қуриш ва реконструкция қилишга 255 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтириш, 7,5 минг ўринга мўлжалланган шифоналарни ва бир сменада 11 минг кишини қабул қила оладиган амбулатория-поликлиника объектларини фойдаланишга топшириш имконини берди. Тиббий муассасаларни замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозлаш учун Жамғарма томонидан 8 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилди". Мазкур тармоқда тиббий хизматларни тақдим этувчилар -тиббиёт муассасалар ва тиббиёт ходимларидир. Бу хизматларнинг истеъмолчилари эса беморлар бўлиб, улар тиббий хизматларга талабни шакллан- тирадилар. Бирок тиббий хизматлар бозоридаги талаб ва таклиф товар бозорларидагидан фарқ қилади.



тармоқни молиялаштиришнинг қуйидаги тизимлари амал қилади:

1. Соғлиқни сақлаш соҳасини бюджет орқали молиялаштириш тизими. Мазкур тизимда аҳолига бепул тиббий ёрдам миқдори ва сифатига қараб солиқ тушумларидан шаклланадиган давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади.
2. Соғлиқни сақлаш соҳасини мажбурий тиббий суғурта ҳисобидан молиялаш тизими. Ушбу тизимда аҳолига бепул тиббий ёрдам ва тиббий хизмат кўрсатишни молиялаш манбаи суғур- тачиларнинг айрим тоифалари томонидан мажбурий равишда тўланадиган суғурта бадаллар ҳисобидан шартнома талабларига мувофиқ амалга оширилади.



Иш билан банд бўлмаган аҳолини тиббий суғурта қилиш қуйидаги усулда амалга оширилади.

Биринчи усулда, ёлланма ходимлар (шу жумладан вақтинча ёлланганлар) билан бирга улар оиласининг ишламайдиган аъзолари ҳам мазкур ходим ва иш берувчи томонидан тўланадиган суғурта бадалли ҳисобидан мажбурий суғурталанади.

Иккинчи усулда эса иш билан банд бўлмаган аҳоли учун тўланмаган тиббий суғурта бадаллари давлат бюджети ёки бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан қопланади. Масалан, ишсизлар учун иш билан бандликка кўмаклашувчи жамғармалар, пенсионерлар учун йиғилиб бориладиган пенсия жамғармалари ҳисобидан тўланади.

Соғлиқни сақлаш тизими амал этиши самарадорлигининг энг муҳим омили - тиббий ёрдам ва тиббий хизматлар тақдим этувчиларни молиялаштиришни самарали ташкил этишдир. Жаҳон амалиётида мазкур тармоқни молиялаштиришда қуйидаги асосий усуллар қўлланилади:


1. Сметали молиялаштириш.
2. Кўрсатилган алоҳида хизматларга ҳақ тўлаш.
3. Алоҳида кўрсатилган тиббий хизматлар учун балл бўйича ҳақ тўлаш усули.
4. Тиббий муассасада бўлиш миқдори бўйича ҳақ тўлаш усули.



Ўзбекистон Республикасида давлат соғлиқни сақлаш тизимининг даволаш-профилактика муассасалари аҳолига давлат томонидан кафолатланган тиббий ёрдамни бепул кўрсатадилар. Бундай муассасалар қаторига қуйидагилар киради:



- ☞ • қишлоқ шифокорлик пунктлари - улар қишлоқ жойларида аҳолига барча бирламчи тиббий ёрдамни кўрсатади;
- ☞ • шаҳар амбулатория-поликлиника муассасалари - улар шаҳар аҳолисига аҳолига барча бирламчи тиббий ёрдамни кўрсатади;
- ☞ • шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича республика, вилоят марказлари, уларнинг туман ва шаҳар бўлимлари мамлакатнинг бутун ҳудудида аҳолига стационар шароитда тез (шошилинч) тиббий ёрдам кўрсатади;
- ☞ • туғруқхона муассасалари ва мажмуалари;
- ☞ • юқумли касалликлар, силга қарши, онкологик, психиатрик, наркологик, эндокринологик даволаш муассасалари.



Шу билан бирга мамлакатда аралаш молиялаштириш асосида аҳолига тиббий ёрдам кўрсатадиган муассасалар ҳам мавжуд. Улар қуйидагилардир:

- умумий йўналишдаги стационар касалхона муассасалари;
- ихтисослаштирилган касалхона муассасалари;
- идоровий амбулатория-поликлиника ва стационар касалхоналари.

Ўзбекистонда стоматология поликлиникалари ва хусусий тиббиёт муассасалари аҳолига пуллик тиббий хизмат кўрсатади.

"Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги қонуннинг 9-моддасига мувофиқ мамлакатда соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштиришнинг асосий манбалари қуйидагилардир:

- давлат бюджетининг маблағлари;
- фуқаролар саломатлигини муҳофаза этишга мўлжалланган мақсадли жамғармаларнинг маблағлари;
- даволаш-профилактика муассасаларининг давлат томонидан кафолатланган аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш ҳажмидан ортиқча кўрсатилган тиббий хизматлар ва пуллик хизматлар кўрсатишдан тушган маблағлар;





Эътиборингиз
учун рахмат!